



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ШАНБА
СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 180 (9676). • 1989 йил 23 сентябрь • Баҳоси 5 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида 1989 йил 20 сентябрда сўзлаган якунловчи нутқи

Партия Марказий Комитетининг ушбу Пленумига қўйилган масалалар муҳокамасини қисқача якунлашга ижозат бергайсизлар. Бу Пленум муҳокама этилган масалаларнинг характери жиҳатидан ҳам, шу икки кун мобайнида бу ерда ҳукм сурган муҳит жиҳатидан ҳам уни қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш, бу сиёсий йўлни турмушга татбиқ этиш соҳасидаги муҳим палла деб баҳолашга аризийди, десам фикримга қўйиларсизлар. Мана шу сабабларга кўра, бу Пленум тарихимизда, партияни мустақамлаш ишида муҳим роль ўйнай олишига аминман.

Авалло Марказий Комитет Пленуми умуман КПССнинг миллий масалаларда янги сиёсатини маъқуллаганини мамнуният билан қайт этмоқчиман. Бу — катта воқеа. Биз бу масалага узоқ вақт, мураккаб шaroитда тайёргарлик кўрдик, ammo энди бизда ижтимоий тарққётнинг шу мураккаб соҳасида аниқ ҳаракат программаси бор. Бу соҳада биз мамлакатнинг бутун халқига ва барча миллатларига тааллуқли бўлган катта сиёсатнинг энг ўткир қиррасига чиқиб барояпмиз.

Дадил айтиш мумкинки, партия билан халқ бажонидил қўллаб-қувватлаган программа миллий сиёсатини янгилаш, федерацияни ҳамма халқларимизнинг манфаатларини қўлаб янгилаш учун яхши асос бўлиб хизмат қила олади.

Бу программа халқлар Совет Иттифоқи доирасида социалистик ўзгартишлар йўлида яратган ҳамма нарсаларини улоқтириб ташлаш бир ёқда турсин, балки, аксинча, табиий ва узвий равишда ўзига сингдириб олаётганлиги муҳим, деб ўйлайман. Бу — новаторлик программаси эканлиги ҳам муҳимдир. У реалликларни ҳисобга олади ва ҳозирги эҳтиёжларга мос келади. Унинг илмийлиги ва ҳаётлиги боис ҳам мана шунда, шу сабабли у бажонидил қўллаб-қувватланди ва амалга оширила бошган сайин биз

ўйлагандек самаралар беришига аминман.

Энди, қўлимизга программани олганимиздан сўнг, партия катта ишлар қилиши керак. Агар миллатлараро муносабатлар, федерацияни ривожлантириш ва тақомиллаштириш масалалари билан кун сайин, обдон шугулланмасак, кўп миллатли мамлакатимизда қайта қуришнинг муваффақиятига умид боғлай олмаймиз. Худди шунингдек, федерациянинг ҳамма муаммолари фақат қайта қуриш, демократиялаш, ошкоралик, социалистик жамиятимизни янгилаш йўлида муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Бу ўринда жуда узвий, жонли алоқа бор, мана шунини биз амалий ишмиизда эътиборга олишимиз керак.

Бу масалаларни ҳал этишдаги сусткашлик ҳозирнинг ўзидеёқ қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш борасидаги амалий ишларга салбий таъсир қила бошлаганини қўриб турибмиз. Мамлакатдаги вазиятнинг бутун мураккаблигини, миллатлараро муносабатларда кескинлик мажбур бўлган, нормал меҳнат мароми бузилган жойларда вазиятни нормаллаштиришни таъминлаш учун кескин чора-тадбирлар қуриш зарурлигини сезиб турибмиз.

Кескин ҳаракат қилиш керак — бу фикрга ҳамма қўшилибди. Бироқ назаримда, бу масалага бериб тўхтаб ўтишга ижозат бергайсизлар, шу масалада биз ҳаммамиз кескинлигини бир хил тушунаётганимиз йўқ. Баъзан бу сўз эскича усулда талқин этилмоқда: «кескин ҳаракат қилиш» деганда қимлардандир дарҳол ўч олишни тушунадилар. Бироқ, ҳозир, қайта қуриш шaroитида кескинлик аввало ўйлаб қўйилган ҳамма режаларимизни изчиллик билан амалга оширишни назарда тутди. Бу эса ҳаммамиздан зўр куч-ғайрат, ақл-идроқни, таъбир жоиз бўлса, мардликни талаб қилади. Чунки биз ҳозир қайта қуришнинг энг масъулиятли босқичида турибмиз, бу босқичда бутун жамиятнинг манфаатларига тааллуқли ишлар қилин-

моқда, одамлар вазиятнинг ёмонлашувидан ҳавфсирмоқдалар, бундай мулоҳазалар учун, очигини айтганда, аниқ асослар бор. Бироқ, биз демократик усуллар билан изчил ҳаракат қилмасак, у тарафга ҳам, бу тарафга ҳам оғмай, юришни секинлаштирмай, тўхтаб қолмай, қадам-қадам олган бормасак, тўб революцион ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Ўзини қайта қуришнинг, социалистик жамиятни янгилашнинг ихлосманди деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши учун энг муҳими мана шундан иборат.

Бундан доқладда айтилган нарсаси келиб чиқади: ҳозир ҳамма масалаларни демократия вазиятида ҳал қилиш, одамлар билан мулоқотда бўлиш ва уларни амалий вазифаларини ҳал қилиш манфаатларини қўлаб, партия таварағида бирлаштириш керак. Миллий масалаларга ёндашишда бошқача йўлга ўтиб бўлмайди. Уртоқлар, биз сиёсий усулларни, ташкилотчилик ишини, одамларнинг иштироки ва ҳиссасига таянадиган янги услубни ўзлаштириб олишимиз лозим.

Ниҳоят, бу ерда шунини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман — бунини коммунистлар, барча меҳнаткашлар билан қўйишлари керак — биз партия қайта қуриш сиёсатини эълон қилиш туфайли, эндиликда жамиятни бирлаштириш, амалий вазифаларни ҳал қилиш соҳасида ижобий ишлар билан ортирганин обрўни мустақамлаш учун уни янгилашимиз зарур.

«Таг-туби билан бузиб ташлайлик» деган шор бизга тўғри келмайди, ҳозирги жамиятни революцион янгилаш вазифалари бошқача ҳал этилиши керак. Биз олган борар эканмиз, ҳа деб орқага қайрилиб қарайверишимиз, ўзимиз бошлаган йўлда чигалликлар ва қийинчиликлардан қўчишимиз, оз бўлмаса ўзимизни янгилашнинг деб ҳисоблашимиз ҳам ярамайди.

Биз қайта қуриш, жамиятни янгилаш вазифаларини ҳал қилиш учун Марказий Комитетини, партияни, бутун жамиятни жипслаш-

тиришимиз, бизни ўтмишга судламоқчи, орқага тортмоқчи бўлганларга ҳам, сиёсат ва жиддий ишлар ўрнига авантюрачилик концепцияларини таклиф қилаётганларга ҳам ён бермай, қатъият билан олган боришимиз керак.

Ҳозирги Пленум жамиятдаги тўб ўзгаришлар босқичида Марказий Комитет ўз ролини тушунаётганини кўрсатди. Бунини мен муҳим ғалаба, деб таъкидламоқчиман, чунки партиядаги, бутун жамиятдаги ишлар қандай бориши Марказий Комитетнинг позициясига, унда қандай жараёнлар кечаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Бу ерда ошқора, рўй-рўст гурун бўлди. Баъзи гапларга қўйилиш, баъзиларга қўйилмаслик мумкин. Регионлар тараққётининг айрим муаммолари қўйилишдан тайёрга айёрлик ҳиди келгандек бўлди. Аммо мен ҳаммасини, айтилган барча гапларни қўриб чиқиш учун қабул қилган бўлур эдим. Сиёсий поғонада, ҳукумат, ҳўжалик идораларининг феолиятида, республикалар ва регионларда йўл қўйилган камчиликлар тўғрисидаги фикрлар рўй-роқ айтилганлиги нималардан ҳалос бўлиш кераклигини яхшироқ кўриш имконини беради. Бу эса амалдаги манзариани чамалаш имкониятини яратди, ўйлайманки, худди шу вазиятда биз партиянинг миллий масалага оид платформасини қабул қилишга муваффақ бўлдик, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бу платформа миллий сиёсат масалаларида янги сўз бўлиб, миллатлараро муносабатлар каби ҳаётий муҳим соҳада қайта қуриш сиёсатига барака киритади.

Биз миллий сиёсатнинг энг муҳим масалалари хусусида бир фикрга келганлигимизни таъкидламоқчи бўлади. Биз миллатлараро муносабатларда тўпланиб қолган ҳамма масалалар федерацияимизни янада ривожлантириш доирасида, яратилган ҳамма нарсалардан фойдаланиш, республикаларнинг суверенитетига амалий маъ-

мун бахш этиш, автоном тузилмаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, мамлакат барча регионларининг имкониятлари ва ҳуқуқларини ривожлантириш асосида ҳал қилиниши мумкинлигини тушуниб турибмиз.

Биз ўз тақдирини ўзи белгилаш тушунчасини бойитдик. Баъзи кишилар бу мавзудан хунук мақсадлар йўлида фойдаланиб қолишга уринмоқдалар, одамларнинг масаланинг моҳиятини тушуниб олишларига имкон бермаётдилар, уларни нотўғри йўлга чақлтироқдалар. Биз ўз позициямизни мамлакат ва жаҳон олдида рўй-рўст ва ҳалол айтганлигимиз, менимча, Пленумнинг катта ғалабасидир. Биз мамлакат барча халқларининг манфаатларини қўлаб, республикаларнинг суверенитетини мустақамлаш ва барча миллий тузилмаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш кераклигини, совет федерализмининг амалдаги мазмунини тўлдириб лозимлигини айтдик. Айни вақтда халқлар федерациясининг тарафдор, давлатларнинг иттифоқи тарафдори бўлган, ammo партия қурилишида ва феолиятида федерализмин қатъий рад қилган Лениннинг ғояларига тўла мувофиқ равишда ҳамма ақдлик билан, КПССнинг бирлиги зарур, деган фикрни билдирди.

Ўйлайманки, бу Пленум ва унинг арафасида бўлиб ўтган мунозара бу соҳадаги мажбур диалектик алоқани яхшироқ тушуниш имконини берди. Биз одамларнинг куч-ғайратини, барча халқларнинг ҳаракатларини мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққётини жадаллаштиришга сафарбар қилиш учун республикаларнинг, регионларнинг, автоном тузилмаларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини, мустақиллигини кенгайтириб эканмиз, маҳаллийлаштириш жараёнларини бошлаб юборар эканмиз, айни вақтда партия барча халқларни қайта қуриш мақсадлари таварағида бирлаштириб, жипслаштирувчилик ролини янада

(Давоми 2-бетда).


«ҲОСИЛ—89»



■ БЕКОБОД районидagi «Ленинград» совхозини пахтакорлари сўнгги майдонлардаги ғўза баргини тўктиришмоқда. Бу тadbир тўж-жалликда сифатли ўтказилди. Суратларда: 6-бўлим бошқарувчиси Шокир Фозилов (chapдан), агроном Абдумутал Раҳмонов, механизатор Рустам Ғуломов ва бригада бошлиғи Меҳмонли Мамадуллоев; ғўза баргини тўктириш пайти; навбатдаги ОБХ пуригичи ишга тайёрланмоқда.

Суратчи А. ЗУФАРОВ.

«ҲОСИЛ-89»



ОБЛАСТИМИЗ РАЙОН-ЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ Тўғрисида 22 СЕНТЯБРГАЧА БўЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани; учинчи устун — мавсум бошдан буён.

Пискент	0,53	4,06
Чиноз	0,73	3,22
Оқтўғрон	0,28	2,52
Бекобод	0,35	1,84
Бўка	0,25	1,39
Янгиўл	0,27	1,09
Ғалаба	—	—
Коммунистик	—	—
Ўрта Чирчиқ	—	—

Область бўйича: 0,26 1,59

М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида 1989 йил 20 сентябрда сўзлаган яқунловчи нутқи

(Боши 1-бетда).

кўпроқ даражада бажариши кераклигига асосланамиз.

Республикалар Компартияларининг, Россия Федерациясидаги партия ташкилотларининг мажбури хусусидаги фикрлар нақадар хилма-хил бўлмасин, келиб чиқаётган саволларга бу ерда равшан жавоб берилди. Биз қабул этилган қарорларга асосланиб ҳаракат қилишимиз керак. Қолганларини партиянинг XXVIII съездида тайёргарлик босқичида ўйлаб кўрамиз.

Пленум бизнинг туб масаладаги позициямизни аниқ ва равшан тасдиқлади: биз миллатлар ва халқларнинг, қаерда яшасин ва меҳнат қилишдан қатъи назар барча миллатларга мансуб кишиларнинг тенг ҳуқуқлиги тарафдоримиз. Шу жиҳатдан олганда ҳам рус тилининг роли хусусида қабул қилинган қарор муҳимдир. Биз жамиятда ҳукм сураётган кайфиятни пайқаб олиб, ифодалаб бердик ва бу қарор, айтиш мумкин, бир қарорлаштирувчи аҳамиятга эга бўлади.

Уртоқлар, биз ҳозир Федерацияни чуқур ўзгартириш йўлига ўтаётган бир пайтда чегараларни ҳеч қандай қайта бичишга берилмай, миллий тузилмаларнинг шакллари ўзгартирмай шундай қилиш мумкинлигини одамларга ҳалол айтиш билан ҳам тўғри иш қилдик, деб ўйлайман. Ҳозир уларнинг ҳуқуқларини амалий мазмун билан тўлдириш муҳимдир, шундан кейин эса келгусида, ҳамаси, анчагина муносабат бўлади. Таҳрир комиссиясининг мажлисида айтганимдек, келинлар, ашаб кўрайлик, ҳали биз барча фаилатларга эга бўлган ҳақиқий федерацияда яшаганимиз йўқ-ку, ахир. Ана шунда барча ҳавотирликларга ёки уларнинг кўпчилигига эҳтиёж қолмайди, деб ўйлайман. Турмуш ҳаммиса муаммоларни келтириб чиқараверди. Агар биз ҳозир чегараларни қайта бичиш ва миллий тузилмаларнинг шакллари ўзгартириш ишига киришсак бўлмас (баъзи кишилар шу йўлга судрамоқдалар), — очигини айтсам, биз платформани аввалбошданок дафн қилган бўлур эдик, жамиятни эса қайта қуриш ҳаёлига ҳам келмайдиган ҳолатга солиб қўйган бўлур эдик, умуман қандай яшаш керак, деган масала келиб чиққан бўлур эди. Пленум бу хусусда битта, қатъий, аниқ-равшан позицияда турганлиги унинг ютуғидир.

Энди биз янги босқичга, сиёсий йўл-йўриқлар қонуни чиқарувчи органлар томонидан кўриб чиқилган босқичга ўтаймиз. Партия ташкилотларининг, кадрларнинг, коммунистларимизнинг вазифаси КПСС платформаси позицияларида қаттиқ туришдан, партияда хос бўлган сиёсий, мафкуравий, ташкилотчилик, тўғри кадрлар сиёсати усуллари билан иш қўриб, бу платформани амалга оширишдан иборат, деб ҳисоблайман.

Пленумнинг КПСС навбатдаги съезди қақрилишини яқинлаштиришга оид қарори ҳақида гапирмоқчиман. Бу қарор партия-

нинг ўзини ривожлантириш, уни янгилашнинг етук масалаларини тезроқ ҳал этиш ва шу билан бирга қайта қуриш яқунларини чиқариш, яқин истиқболдаги ҳаракат программасини ишлаб чиқиш мақсадини кўзлайди. Бу ерда ўртоқлар биз учун эртанги кунданок съездолди босқичи бошланганини айтишди, буни тўғри, деб ўйлайман. Олий Советнинг сессиясида, халқ депутатларининг иккинчи съездида қабул қилинадиган катта-катта қарорлар ҳам шу босқичга киради. Республика ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловга тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш ҳам шу босқичга киради. Ҳужжатларни ишлаб чиқиш маъносидagina эмас, шу билан бирга, партиянинг ҳамма кучларини, икониётларини сиёсий авангард ролини муваффақиятли бажариш манфаатлари йўлида сафарбар этиш маъносида ҳам бутун партияни тайёрлаш шу босқичга киради, албатта.

КПСС катта ишлар тўлиб-тошиб ётган съездолди даврига кириш муносабати билан ҳисобот ва сайловларни ўтказиш хусусида илгари қабул этилган қарорларни қайта кўриб чиқиб, партия комитетлари ва бюроларининг партия уставиде кўзда тутилмаган ҳисоботларини бу йил ўтказмаслик ҳақида партия комитетларининг кўпдан-кўп таклифларини Сиёсий бюро кўллаб-қувватлаш мумкин, деб ҳисоблайди. Ҳамма иш съездага тайёргарликка бўйсундирилиши керак. Бу эса ўзгариш-сиёсий вазифаларни ҳал этиш, катта сиёсий кампанияларни ўтказиш соҳасидаги амалий ишга диққат-эътиборни қаратиш икониини беради.

Биз съездага кўриладиган бутун тайёргарлик ишлари партия, қайта қуриш, жамиятни жипслаштириш, қайта қуриш тарафдори бўлган барча кучларни, бутун халқни бирлаштириш манфаатлари йўлида яхши наф келтиришга асосланб иш тутмоғимиз керак. Буни дадил гапирётганимнинг сабаби шуки, одамлар ўзларининг ҳаётий режалари рўёбга чиқишини қайта қуриш билан боғламоқдалар. Ҳамма ишнинг қандайдир манфаатпарастлик режаларини кўзлаб юрган баъзи кишилардан ташқари барча совет кишилар қайта қуриш рўёбга чиқишдан манфаатдор бўлиб, биздан яқин вақт ичидеёқ самара берадиган янада амалийроқ ишларни кутмоқдалар.

Биз айни шундай ҳаракат қилишимиз, қайта қуришнинг шу масъулиятли босқичида жамиятни қуроллантириш лозим бўлган истиқбол масалаларини ишлаб чиқишни бирга қўшиб, одамларнинг кундалик турмушига тааллуқли кўпгина етилган муаммоларни кечиктирмай ҳал этишимиз лозим. Уртоқлар, биз буни албатта таъминлашимиз керак.

Пленум биз навбатдаги партия съезди сари борётган шу масъулиятли пайтда партия органларининг, барча коммунистларнинг фаолиятига янги омил бахш этишдан умидворман.

Пленум биз навбатдаги партия съезди сари борётган шу масъулиятли пайтда партия органларининг, барча коммунистларнинг фаолиятига янги омил бахш этишдан умидворман.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

1989 йил 20 сентябрь

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ Е. К. ЛИГАЧЕВНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ВА СССР ПРОКУРАТУРАСИГА ЁЗГАН АРИЗАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛГАН ТЎҒРИСИДА СССР БОШ ПРОКУРОРИНИНГ АХБОРОТИ ҲАҚИДА

1. Марказий Комитет Пленуми СССР бош прокурори А. Я. Сухаревнинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачевнинг КПСС Марказий Комитетига ва СССР прокуратурасига юборган аризаси кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги ах-

боротини маълумот учун қабул қилади. Қонунга мувофиқ СССР прокуратураси ўтказган текширув терговчилар Т. Х. Гдлян ва Н. В. Иванов Е. К. Лигачевга қарати айтган порахўрлик тўғрисидаги даъволар батамом асоссиз эканлигини кўрсатди. СССР прокуратурасининг хулосасига кўра, гап бундай

воқеанинг содир бўлмаганлиги ҳақида бормоқда.

2. Марказий Комитет Пленуми КПСС Москва шаҳар комитетига СССР прокуратурасининг хулосаларига кўра Т. Х. Гдлян ва Н. В. Ивановнинг партиявий жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни топширади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

Владимир
Александрович
КРЮЧКОВ



лат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари, 1988 йилдан эса комитет раиси бўлиб ишламоқда.

1986 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. Иккита Ленин ордени, Октябрь революцияси, Қизил Байроқ ордени, Иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Хурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

Юрий
Дмитриевич
МАСЛЮКОВ



КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод этиб сайланди. Ленин, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Хурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

21 сентябрь кунин КПСС Марказий Комитетига М. С. Горбачев партия марказий сайлов органлари таркибига кирган ишчилар, колхозчилар катта гуруҳаси билан учрашди. Ҳозирги кунда меҳнат кишини ташвишлантираётган кўлаб муаммолар, партия ташкилотлари фаолиятига доир масалалар

юзасидан рўй-рост, батафсил суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда Н. Н. Слюньков ва Г. П. Разумовский, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири иштирок этишди.

Учрашув ҳақидаги ҳисобот эълон қилинади.



«ТАРБИЯМИЗ
БЕКОР КЕТМАБДИ»

ҲАМЮРТИМИЗ — ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА

Урта мактабда ҳақиқий ўқиб, ўрганиб, меҳнатга кўникма ҳосил этган, атрофдаги катта-кичи билан муомала қилишни билган бола ҳеч қачонда қийналмас экан.

Мен Нейматни у* йил ўқитганим учун яхши биларман. Уни ўтган йили Совет Армияси сафига қақиринди. У Москвада қурилиш отрядида хизмат қилаётди. Қурилиш ишларидаги на-

мунали меҳнат, интизоми, пухта снсий тайёргарлиги, рус тилини мукаммал билиши ҳақида хизмат қилаётган бўлимдан ота-она номига ташаккурнома келибди.

Пойтахтдаги Неймат Аҳмаджонов ўқиган 70-мактаб коллективи, унинг ота-онаси шундай фарзандни тарбиялаганликларидан беҳад хурсандлар.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.

Ёшлар ўртасида «илгари фидойи комсомоллар қолмаган» деган гапларни эшитасиз. Чиндан ҳам шундаймикан? У ҳолда корхона ва ҳўжаликларда моддий неъматлар яратётган тенгдошларимиз, байналмилалчи жангчиларимиз, эл манфаати йўлида жонбозлик кўрсатётганлар ким?

Бўка район комсомол комитетида ўз фаоллари билан фахрланишларини айтишди. Айниқса ремонт ишлаб чиқариш корхонасининг машиналарга техник хизмат кўрсатиш станцияси инженер-технолог Пўлат Абдулазизов ҳақида илқ фикрлар билдиришди.

Пўлат Абдулазизов эндигина 26 ёшга тўлишига қарамай, область Советининг депутаты, коллективда обрў-эътиборга, ўз ўрнига эга комсомол аъзоси. У ўн икки йилдан буён ВЛКСМ сафида. Тошкент қишлоқ ҳўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш, инженерлари институтига ўқиб юрганда ҳам, Туркистон ҳарбий округида армия сафида хизмат қилганда ҳам жонқуяр ташкилотчиллигини кўрсатди. Шу босис рота комсомол ташкилотининг секретари этиб ҳам сайланди.

1985 йили у Бўка район комсомол комитети йўланмаси билан Москва шаҳрида XII Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивалида иштирок этди. 1986 йили Пўлат бошчилик қилаётган комсомол ёшлар бригадаси рес-

публикада турдош касблар бўйича ўтказилган мусобақада голийб чиқиб, Ўзбекистон Ленин комсомол Марказий Комитети ва Республика Давлат агросаноат комитетининг эсдалик байроғи билан мукофотланди. Худди шу йили ёшлар коллективи обрў-эътибори мусобақасида биринчи-

да вақтни ҳам тўғри тақсимлай билиши лозим, деб жавоб қилади суҳбатдошим.

— Депутатлик даврида 36 нақадан 26 тасини ба-жарибсиз. Бу осон бўлмагандир. Раҳбарлар билан тўқнашишлар, тортишуларга ҳам тўғри келгандир.

— Албатта. Масалан,

Ҳатто район бюджетидан пул ҳам ажратилган. Пўлат ваколатидан ҳам фойдаланди. Аммо натижа чиқмади.

Суҳбатимиз комсомол ишларига тақалди.

— Комсомолнинг обрўсини тиклаш учун бошланғичдан тортиб юқори комсомол ташкилотларининг ёшлар етакчилари ҳақиқатан ташаббускор, серғайрат бўлишлари, йигит-қизларни ўз ортларидан эргаштира олишлари шарт.

Умуман ёшлар уюшмасининг обрўсини ҳозиргидек комсомол ходимлари маошини ошириш, турли тadbирларга зўр бериш, йигитлар ўтказиш билан эмас, биринчи галда амалий иш билан тиклаш керак деган умиддаман. Комсомол йигит-қизлар манфаатларини ҳамма жойда қаттиқ ҳимоя қилиш зарур. Кўпроқ мустақиллик кўрсатиш талаб этилади. Комсомол ташкилотларимиз фаолиятида ҳали бундай ўзгаришлар кўзга яққол ташланаётгани йў.

Ёшлар ўртасида расмий ва норасмий етакчилар пайдо бўлди. Қатор ҳолларда норасмий етакчилар йигит-қизларни кўпроқ эътиборга, ишончга сазовор бўлаптилар. Пўлат эса расмий етакчилардан ҳисобланиб, район ёшлари ўртасида ҳўрмат қозонган. Район комсомол комитети шундай фидоийларга кўпроқ таяниш керак.

М. ЖАРҚИНБОВА,
ТошДУ студенти.

ОБРЎ ИШ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

лиқни эгаллаб, вимпел ва магнитофон билан тақдирланди.

Ушанда Пўлатнинг ташаббуси билан магнитофон 15-болалар уйи тарбияланувчиларига янги йилга совға қилинган эди. У район комсомол комитети аъзоси сифатида ҳам ёшлар ўртасида жамоатчилик ишларини олиб бормоқда.

— Бир кишига шунча топшириқ оғирлик қилмайдими? Жамоатчилик вазифаларининг бажаришга қандай улгурасиз? — сўраймиз ундан.

— Одам биринчи навбатда ўзига, сўнгра бошқаларга талабчан бўлиши керак. Шундан келиб чиққан ҳол-

Юнус Тўлаганов кўчасида ишовчилардан кўчани асфальтлаштириш ва водопроводлаштириш нақизи тушган эди. Юғуриб-елиб йўлни асфальтлаштиришга эришди. Лекин водопровод қувурларини ўтказиш 1988 йилдан буён пайсалга солиниб келинапти. Бу вазифани бажариш 148-ремонт қўрилиш бошқармасига топширилди. Мен сайловчиларимга қатъий сўз бергандим. Иш бир йилга судралди. Бу депутатга бўлган ишончни йўқотмайдими? — дейди куйиниб П. Абдулазизов.

Унинг куйинганича бор, 148-ремонт қўрилиш бошқармасига барча керакли материаллар етказиб берилган.

• ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

БОЛАЛАР МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ

Акмал Икромов район комсомол комитети ҳузурида тузилган маданий ахборот маркази кўпгина хайрли ишларнинг ташаббускори бўлапти. Яқинда бу ерда шаҳарда биринчи ҳисобланган «Спутник» болалар музикали театри иш бошлади. Ёш ижодий коллектив саҳналаштираётган спектаклларда фақат мактаб ўқувчилари эмас, боғчаларда тарбияланаётган болалар ҳам қатнашишади.

Ҳозир ижодкорлар «Иссиқ тош» деб номланган балетни саҳналаштириш устида ишламоқдалар. Сўнг янги йилга атаб «Эрмон эртаги» спектакли саҳналаштирилади.

Маданий ахборот маркази ходимлари болаларни эстетик руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ерда рассомлик студияси ҳам иш бошлади. Энди рақс тўғраги тузилапти. Марказ ходимлари ердамида 246-болалар боғчаси тарбияланувчилари инглиз тилини ўрганишга киришдилар.

Марказда ёшлар эстрада ансамбллари ҳам ишлаб турибди. Санъатга ҳавасманд

йигит-қизлар қобилиятларига қараб танлаб олинапти. Ансамбль аъзолари ҳозир 74-мактаб клубида репетиция қилишяпти. Репертуарларни тузишда маҳаллий композиторлар билан бирга Сизтл шаҳри санъаткорлари ҳам ёшларга кўмаклашмоқдалар.

— Болалар музикали театри ва ансамбллар репетиция қиладиган жойлар етишмай турибди, — дейди марказ директори собиқ ҳарбий дирижёр Ким Николаевич Раш. — Ҳозир А. Икромов район партия комитети учун каттагина конференц-зал қуриляпти. Қани энда бизга ҳам шундай кўркем бино кассиб этса. Ушанда болалар театри ҳам, концертлар ҳам шу ерда намойиш этилаверарди. Ҳозирча санъатга меҳр қўйган кичкинтойлар дуч келган жойда репетиция қилишга мажбур бўлаптилар. Жўй танқислиги учун тўғрақларни кенгайтириш, уларга кўпроқ йигит-қизларни жалб этиш имкони бўлмапти. Санъат шинавандалари эса районимизда оз эмас.

Д. НАСРИДДИНОВ.



«СОЛДАТЛАР ТИНЧЛИК УЧУН»



ТОШКЕНТ. «Солдатлар тинчлик учун». Ана шу шир остида республикамиз пойтахтида бўлиб ўтган учрашувга Америка Қўшма Штатларининг Вьетнам урушида қатнашган ветеранлари ва совет байналмилал жангчилари таклиф этилдилар. Улар уруш ҳақида эмас, унга чек қўйиш, унинг олдини олиш ҳақида гаплашиб олгани тўпланган эдилар.

Океан ортидан келган 16 нафар америкалик ветеран жангчилар областимизнинг диққатга сазовор жойларини ҳам бориб кўрдилар.

Суратларда: байналмилал жангчи Артур Эргашев АҚШ армиясининг собиқ генерали Гарольд Мур билан суҳбатлашмоқда: дам олиш соатларида.

Суратчи Р. ШАГАЕВ,
(ЎзТАГ).

• Редакцияга иккинчи хат

СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

Ҳўрматли редакция! Газетангизнинг «Залон ва ёшлар» саҳифасида «Ичкилик еди» деб номланган хатимни эълон қилганлигиниз учун раҳмат. Чўнки менинг аянчли тақдирим ҳаммага аиниқс, ҳаётини энди бошлаётган ёшларга сабоқ бўлишини истайман. До-нишмандларнинг «кейинги пушаймон ўзингга душман» деган сўзлари жуда тўғри экан. Мен саломатлигини тиклашга уринаётган (самарасиз уринаётган) шифокорларга ҳам, бепул овқат бераётган Қизил ярим ой жамияти ходимларига ҳам миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ичкилик туфайли мен аввало жиноятга қўл уриб бир неча марта жазми 10 йил озодликдан маҳрум бўлдим, 7 марта руҳий наркологик шифохонада доволандим, 7 марта хирургия касалхонасига уришиб тушдим. Икки марта стоматология, 1 марта травматология, умумий терапия, урология шифохоналарига тушдим. Ва ниҳоят онкология касалхонасидан. II группа инвалиди бўлдим. «Жигули» автомашинасидан айрилдим, уйим ёниб кетди. Уйланмасдан бўйдоқ ўтдим. Буларнинг ҳаммасига арақ сабабчи, йўқ арақ эмас, аниқроғи, ўзим сабабчиман. Энди қанча умрим қолганини билмайман. Лекин шу давр ичида бошқалар ҳам менга ўхшаб кейин пушаймон бўлиб юрмасликлари учун кўрашмоқчиман. Кўзингизни очинг, азизлар.

Ҳўрмат билан
Галим ШОҚАМБАРОВ,
Тошкент шаҳри,
С. Раҳимов райони.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси муҳокамада

ЯГОНА ДАВЛАТ ТИЛИ ЗАРУР

Лойиҳа чиқишидан аввал бир йил давомида Ўзбекистонда ўзбек тилининг давлат тили бўлиши ҳақида баҳс ва мунозаралар давом этган эди. Бу мунозараларда кўпчилик республикада ягона ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш лозимлигини ёқлаган ва буни асослагандилар. Аммо айрим раҳбар ходимлар ўшанда зўр бериб давлат тили сифатида янги тилини — ўзбек ва рус тилларини қонулаштиришга ҳаракат қилдилар. Лекин ҳалқ ўз фикрида қатъий туриб олганда сўнг улар ҳам кўпчилиكنинг фикрига қўшилгандек бўлишди. Афсуски қонуни лойиҳаси чиққаннан кейин маълум бўлдики, ўша раҳбарлар барбир ўз ниятига эришибдилар. Аниқроғи лойиҳада ўзбек халқининг талаби эмас, балки ўша раҳбарларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топти. Шунинг учун ҳам лойиҳа биринчи кўнлардан оқ қаттиқ танқидга учради.

Лойиҳанинг I бобидаёқ «Ўзбекистон ССРда рус тили миллатлараро муомалада

ситасидир» дейилган. Бундан «Ўзбек тилини билмайдиган ўртоқлар, сизлар безовта бўлмаганлар, ўзбек тили давлат тили деб эъдон қилингани билан у миллатлараро муомала воситаси вазифасини бажармайди. Демакки, сизлар уни билмасанглар (худди илгаригидек) ҳам бўлаверадилар» деган маънони аниқлаш мумкин. СССРда рус тилининг миллатлараро муомалада воситаси эканлигини қонуни йўли билан белгилаб қўйилмаганлиги каби, Ўзбекистонда ҳам миллатлараро муомалада воситаси вазифасини бажарувчи тилини алоҳида қайд этишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Агар бордию, бунга эҳтиёж сезилса, 3-моддан кўйилганча Эзиш керак: «Ўзбекистон ССРда ўзбек тили миллатлараро муомалада воситасидир».

Лойиҳанинг асосий камчилиги унда номга бир тилга, амалда эса икки тилга давлат тили мақоми берилганлигидадир. Агар ҳам ўзбек, ҳам рус тилларига давлат тили мақоми берилса, ўзбек тилининг аҳоли ақаллиддек ночор бўлиб қолаверишини

аниқлаш учун олими бўлиш шарт эмас. Бу ҳаммага маълум нарса. Шунга қарамай, айримлар зўр бериб, давлат тили иккита бўлиши лозимлигини айтишқандилар. Тўғриси, ҳозир иккиталиклини ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Биринчиси, давлат тили бўлиши, бошқа биринчиси эса ўзбекларнинг иккита тил — ўзбек ва рус тилларини биллиши кераклигини тушунадилар. Ҳатто айримлар ўзбек тили давлат тили бўлса, биз биринчиси бегона бўлиб қолмай, миллатлар ўртасида ажралиш пайдо бўлади, дейишгача бориб етмоққандилар. Ахир ўзбек тилига давлат тили мақоми берилса, уни ўрганиш республиканинг ҳар бир фуқароси эҳтиёжига айланади-ку! Натигада ўзбеклар бошқа миллатлардан узоқлашмайди, балки яқинлашади.

Жуда кўпчилик газетхонлар қонуни лойиҳасига «Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир киши давлат тилини ўрганиши шарт» деган моддани киритишни талаб қилишганди. Мен бунга тўла қўшил

ган ҳолда шунини таъкидламоқчиман: лойиҳа шундай шартни асослаб қўйдики, унда Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро давлат тилини биллишга эҳтиёж ва мажбурлият ҳиссини сезсин. XIX Бутуниттифок партия-конференциясида ҳам бу ҳақда: «Номин республикага берилган халқ тилини шу республика территориясида яшайдиган бошқа миллат вакиллари, биринчи навбатида болалар ва ёшларнинг ўрганиши рағбатлантириши керак» дейилиши бежиз эмас.

Лойиҳанинг жуда кўп ўқиларида ноаниқ, ғалати, бўш, мантиқ жиҳатдан биринини нисбатан эътиборга олинган бўлиши аниқ. Чунки «ғуж бўлиб яшмоқ» иборасини турлича талқин қилса бўлади. Дейлик, бир миллатга оид 30-40 минг одамнинг, 30-40 та одамнинг бир жойда тўпланиб яшашини тушуниш мумкин. Шунингдек 28 моддадаёқ «Ўзбекистон ССРда ғуж яшайдиган миллий гуруҳлар

тилида ҳам телекўрсатувлар ва радиоэмиттерлар ташкил этилади» дейилган. Жумладан, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларнинг маҳаллаларида, айрим кварталларида Ғажин миллий гуруҳлар ғуж бўлиб яшашди. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг ҳаммасига ҳам телекўрсатув ва радиоэмиттерлар ташкил этилиши имкони бўлмайди. Яна шу модданинг ўзидан қўйилган жумла: «Ғажин миллий гуруҳларида телекўрсатувлар, радиоэмиттерлар асосан ўзбек тилида, шунингдек рус тилида олиб борилади». Менимча бу ерда ҳар икки тилдаги кўрсатув ва эмиттерларнинг процент ҳисобини ёзиб қўйиш шарт.

Умуман, тил ҳақидаги қонуни тилимизнинг қаддини тиклаши, унинг барча соҳаларда ишлатилишини, республикадаги ҳамма кишиларнинг уни ўрганиши ва қўллаши учун қафозат бериши керак. Ҳар қандай тил уй-рўзгорда ёки айрим халқ оғзаки асарларидагина эмас, балки илмда, давлат ҳокимияти ва бошқаруш органларида, адабиёт ва санъатда, қисқаси, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ишлатилишига манғу яшайди.

Б. ЮСУПОВ,
филология фанлари
номзоди.

МАҲАЛЛА ФИКРИ

Салкам тўрт ойдирик халқимиз Ўзбекистон ССРнинг тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳасининг муҳокамасида актив иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Жумладан, муҳокамага бағишланган йилгишлар маҳаллаларида ҳам ўтказилганлиги, бунда кўпни кўрган кекса отахон ва онахонлар, уй бекалари ҳам актив иштирок этиб, лойиҳага ўз муносабатларини очин-ойдин билдириш имконига эга бўлмоқдалар.

Яқинда пойтахтимиздаги А. Навоий номи маданият уйи ташаббуси билан Октябрь районидagi В. Маяковский маҳалласида ҳам шундай йилгиш бўлиб ўтди. Филология фанлари номзоди С. Асқаров, Тошкент чет тиллар педагогика институтини кафедра мудири, доцент М. Камолов, Тошкент Политехника институтининг фалсафа кафедраси доценти С. Асқаров, Тошкент маҳалла аҳлининг меҳмони бўлиб, уларга она тилимиз қадри ва маданияти, унинг келиб чиқиш тарихи, ривож ва ҳозирги кундаги аҳоли ҳақида сўзлаб бердилар.

Йилгишлар ҳам лойиҳа ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу борада маҳалла комитетининг раиси, меҳнат ветерани Туроб Азимовнинг сўзлари айниқса диққатга сазовор бўлди.

Бизнингча, — деди Т. Азимов, — лойиҳада тил бобида ҳали ўзбекининг дилида йилгиш қолган муаммолар, мулоҳазалар тўғрисида аниқ эмас. Бу ҳақда матбуотда, радио, телевидениеда жуда кўп ошқорлаётганлар айтимокда. Ахир биз ўз тилимизнинг, маданиятимизнинг қадрига етмасак, қандай қилиб маданиятни, тушунчаси кенг кишиларимиз дея оламиз. Бундан бир неча юз йиллар аввал яшаб

ўтган алломаларимиз ҳам ҳар бир халқнинг урф-одати, расм-русуми, биродарлашув, дўстлашув тилини ҳурмат қилишга, бойитишга даъват этганлар.

Юсуф Хос Хонбей ўзининг XI асрда яратган «Йўлдан билик» асарида шундай дейди:

Укушка биланга бу
тилмачи тил,
Ярутгачи арни йўриқ
тилни бил,

Яъни,
Ўқувга, билимга тилмоч
бу тил,

Кишини рўшониликка
чиқарган равон тил деб
бил.

Шунингдек, уруш ва меҳнат ветерани И. Усмонов ҳам сўзга чиқиб ўзбек тилига давлат мақоми бериш ҳақидаги қонуни лойиҳасини зўр мамнуният билан қабул қилганликларини айтди. Чунки тилимиз бой бўлса, маданиятимиз ҳам раванг топади. Лекин ҳалигача ўз она тилимизни қўпол равишда бузиб гапирганимиз кечирилмас ҳолдир.

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи, Ўзбекистон Маданият министрлиги ходими У. Солиҳов шундай деди:

— Маҳалламизнинг асл номи Маъданистон бўлган, кейинчалик ўзгартириб Маяковский деб атала бошланди. Биз бунга қарши эмасмиз. Лекин халқимизнинг фахри бўлган Аҳмад Пахлавон, ўзбек миллий музика санъатининг йилгиш намояндаси Юнус Ражабий, унча узоқ бўлмаган жойда Ғулум Зафарий, Абдулла Қодирийлар туғилиб ўсганлар. Маҳалламизнинг номини ана шу тарихий шахслар номи билан атасак, айни мудоа бўлар.

Бундан ташқари яна қўлаб қилишлар сўзга чиқиб, лойиҳа ҳақида ўз тақлиф ва истакларини ўртага таппади.

А. АЛИМУҲАМЕДОВ.

АДОЛАТЛИ БЎЛСИН

Набираларимни богчадан олиб уйга қайтаётган эдим. Автобус бекатида ёнгинада турган икки қизнинг суҳбати диққатимни ўзига тортиди.

— Гуля, телефон бўдқа келерда экан-а! Уйга звонит қи-

либ қўйиб, билсанку, оймим салга нервнич қилиб ўтирадилар.

— Давай, тезроқ бўл, а то кинога успет қилолмаймиз.

Бу аралаш-куралаш тилда сўзлашаётганлар кимлар

экан, деб тузукроқ разм солдим. Биноийдек ўзбек қизлари. Кейин йўлаб туриб хефа бўлиб кетдим. Қани энди на ўзбекчан, на русчан илтиби гапиролмайдиганлар фақат шулар бўлса! Афсуски, бундайлар борган сари кўпайиб боришганди. Билмадим, улар шундай ғўзал, нафис тилимизни бузиб гапириб, ўзла-

рини маданиятга деб ҳисоблашса? Менимча, бу ўта маданиятсизликдан бошқа нарса эмас!

Шу нукта назардан кейинги пайтларда матбуот, ойна жаҳон ва радио орқали ўзбек тилига давлат мақоми берилиши, уни бойитиш ва соғлиги учун курашиш ҳақидаги гапларини ўқиб, эшитиб хурсанд

бўлиб ўтирибман. Қани энди бу иш тезроқ амалга ошсади. Қолаверса, тилимиз соғлигини сақлаш ўзимизга ҳам кўп хиждатдан боғлиқ. Уғил-қизларимизни жуда ёшлигиданки ўз она тилини ҳурматлаш, эъзозлашга ўргатишимиз керак.

Ҳ. МУЗАФФАРОВА,
кўп болали она.

ТИЛИМИЗ СОҒЛИГИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

• Социал масалалар бўлимида •

ОИЛА БАХТИ ФАРЗАНДЛАР БИЛАН

АЖРИМЛАР, уларнинг сабаблари ва етим қолаётган қалби ўқисқ болаларнинг ҳақида ошқор қилинган. Мисолларда келтирилган аниқлиқ тақдирлар ҳақида жиддий мулоҳаза қилинган. Ажримлар баҳона етим қолганлар тақдирини ҳар қанча ачинадиган, ҳаловатимизни олаётган бу жараён ҳамон авж олса оламатлиқ, кемайгани йўқ. Етимхоналар эшигига қонун йўли билан олиб келинганлар қаторида йўлакда ёки дарвоза олдида атай қолдириб қетилаётган гўдаклар ҳолига нима деймиз, Шундан қўпол-чиркин ҳоллар ҳақида ўйламай бўладимиз.

Виждонан айтганда мана шу ҳаловатимизнинг ҳар бир кўринишида инсон тарбиясида йўл қўйлаётган нуқсонларимизни беқисолмай оворамиз. Жабрини эса гўдаклар чекимоқда. Ота-онанинг арзимаган сабаб билан ажрашиб кетган болаларини вақтинчалик бағрини эса босиб оватарсиз. Бироқ вожа етган нуридийдагиз қаршида ўзингизни ҳар қанча оқламанг, ўз вақтида у сизни кечира олармикан...

Тез-тез шу сўзларга дуч келаман: «Ажрашар эдим-у, ўртада болалар бор», «Ажрашар эдим-у, эл-юрт нима дейди, деб дардим ичима», «Болалар бўлмаганда ўзим билардим, қандай яшардим» деган армонли хулосалар... Шу сўзларни эшитиб оқ яна қандайдир қанча оилада бехт шаҳининг нури ҳақида тортиб кетяётганга, омонатига турган саодат тахтининг келажакига тўзим тиланман... Умр йўлларида кўнгли ярим бўлиб ҳомуш ўтаётганлар оқчилиги бўлса майли эди-а. Неге одамлар борган сари тошбағир, беандиша, худбин бўлиб бормоқда. Бўлмаса етимлар сони қамаларди, ажримлар сони қамаларди. Неге одамлар поккайд, беларев, индамас бўлиб кетаяпти, бўлмаса ҳар оилада бехт тарихида вақтинчалик эмас, қанчада эллиқ йил анграб ҳаммамизни шодлантирарди.

Фақат, ўртадаги болаларимиз эр-хотинни боғлаб турувчи, онла мустақамлигини, оёсийлигини таъминловчи ҳаёт ришталари деб кимиланман гоҳида. Етим болалар тақдирини ўйлаб кўп куюнамиз, ваҳоланки, эр-хотин изтироб олованда ёнаётганда қалби поре-пора бўлиб, нигоҳлари жиққа ёшга тўлиб оқ чеккан оилари учун ким жавоб беради. Уларни дерсиз, йўқ... Фақат уларига юклаган ҳам ўйланиб қолади одам. Ахир инсон бахтиёрлик наҳдасини суринишга, севинишга ва севинишга, ҳар бир тоғини гул тўтиб қаршилаган ҳақиқат бор-ку. Бу йўлда қўқилаётганларга уқувирлар қўл чўза аёб эмасдир. Фақат инсонгагина ҳос бўлган нозик ва нафис, бетакдор ҳисларимизни бўғиб, бор йўналишимизни, тўғу ва кечинмаларимизни мажбурлаб оилага, болаларга йўналтирган чоқда ҳам одиллик қилдим дея олмаймиз-ку ростиин айтганда. Шахс сифатида ҳаётда бахтига интильгани ҳам бир қа-

дар тушунмоғимиз керакдай. Урта боласи бор Гўзал исмли аёл судга ариза берганлиги ҳақида йўқлаб айтиди.

— Эрим бинойидек ишлаб юрувди. Икки йилдан буён ичкиликка берилди бошдади. Бу ҳақда оилада бир-икки марта сан-манга бориб қолдик. Бош уриб борадиган жойим йўқ. Ота-онам оламдан ўтганлар, жигарларим ўз йўлига, Ахир, қанчагина қон ютиб яшарман. На болаларини ўйламаса, на унинг баракасини, ўн йиллик рўзгоримда йўраб яшамасам, ахир мен одамман-ку. Онаман. Оиламнинг обрўси нақадар азиз бўлмасин, юрагим қонга тўлиб кетди.

ГАЗЕТХОН МУАММО КЎТАРАДИ

— Қўйинг Гўзал, ақл билан иш қилинг. Бир кун пушаймон бўлманг. Болаларингиз ҳозир ёш. Ҳадемай улғайиб қолишадди. Уларнинг ўқиши, кийиниши бор. Узингиз толиқиб қоласиз саргардонликда. Яхши-син, бу йўлдан қайтинг. Эримиз билан гаплашиб кўрамиз, қўни-қўшинлар, маҳалладошларингиз билан биргаликда. Улар ҳам шу йўлга маслаҳат қилишса кейин бир гап бўлар. Судга эмас, маҳаллага шошиллинг, — дедим.

Икки кундан сўнг хабар олдим. Маҳалла-қўй аралашиб йитганга яхшилаб дашном берибдилар. Ишхонасидаги обрўли кишилар келишиб бу оилани тиклаб кетишибди. Ҳар қалай, суддан ариза қайтариб олинди. Бир қарашда одиллик қилгандек ҳисобладим тутган йўлимизни. Яқинда Гўзални кўриб ҳол сўрадим. У аввалгидан озми кетган, эгинидаги қўйлагам ҳам уй йил олдин тиктириб ҳозир оқори тўкилган «маюрки». Қора кўзларидеа изтироб.

— Бир нави яшайман. Эрим уш-уша, ўзгаргани йўқ. На топишда барака, на рўзгоримизда. Ўзимнинг маошим билан оилани тебратиб турибман. Болаларим ҳақиқи кечирдим ўшанда.

Ушбу сатрларни ёзганман-у Гўзалнинг ҳам чўккан шаҳло кўзларини, кундан-кун сўлиб бораётган ёшлигини кўз олдимга келтириб қалбимнинг ноқоқорасига жавоб изламоқдаман. Неге! Нима учун 28 ёшли жувон ўз бахтидан тўлиб-тошиб шодланиб қиёса этмайди, дилминин нурга тўлдириб, Неге у турмуш тиркичилиги йўлида эзилб, тинкаси қуриб, соғлиги кетиб, қора сочлари-га баравақ оқ оралашиб, кўзда ёш билан уч боласини етаклаб ёлғиз бормоқда! Қани унинг оғирини енгил қилди-ган меҳнатсевар, меҳрибон йигит! Қани ҳар байрамда арзиман соғва билан аёллик

қалбини бир зумга шодлант-рувчи эътиборли эр! Қани ишдан толиб келганда бир оғиз ҳазил гап, ширин сўзлар билан эркаловчи ақини киши-си! Саксон сўм маош учун эрта-лаб соат 9 дан кеч соат 6 га-ча бир жойда ўтириб ишловчи аёлнинг ишдан қайтганда ҳа-ловатини ўғирлаган эркак ўз номига иснод келтирмайдими? Гўзалнинг эри ногирон эмас. Тиллари бурро, кўрсангиз кўр-гудай. Аммо унинг қалби-чи...

Ана шундай фурсатда ҳақи-қатингизга тик боқмай қо-ламан афсус билан. Биз бола-ми қалбига меҳр соломлаган ўқувчиларимизни, дилгисига-га гўзаллик ва нафосатини син-дира олмаган андлийимизни, юрагига шафқат, ҳалоллигини жойлаб олмаган ношудлийи-мизни нега тан олаймиз. Агар болаларимиз ана шундай фақилат билан ўсганда эди, ҳар бир хонадонга кўзларини яшатиб фазл кирарди. Ҳар бир оилада дилларни яратиб, ҳавасингизни келтириб шодон кулгилар жаранларди.

Бўйи бўйимни бўйлаётган ў-ғлимга боқиб, қўлимдан юму-шимини олишга уринаётган қи-лимнинг сочларини ўриб қал-бини оналикнинг бекиёс қувон-чларига талинати. Усмирлик-нинг бўсағасида турган фар-зандларим қалбига ўз эгу-орзуларимдан, инсонийлик-нинг барча сабоқларидан дарс бера олдимикин. Келажакда ҳаёт йўлларида учрайдиган майда тўсиқлар эмас, қатто-чилларини этдиган даражада-ги доволардан ўтишда керак бўладиган ғирда, журғат, са-бот, матонат силарини ўрга-тилаб кечикмадикикин деб ўйлаб қолман. Негани, мен ҳам минглаб оналар қатори эрта кетиб кеч қайтадиган, доимо шошиб-шошиб ўз ташвишларимдан ортай, икки-кичи қўшларига ўралашиб катта мақсадларимни соб бер-ган армонли қалбини овутол-май ҳалак бўлаётган битта қонсармакман-да.

Қани болаларимнинг даврасида ҳеч бўлмаса ҳар кун кўпроқ бўлсам. Уларни му-қибнинг сеҳрли оламига, на-фосатининг мафтункор силра-га, гўзаллигининг оҳанрабодек бетакдор дунёси ичра ўзим қўйувчилик қилсам. Қани фурсат! Оиладаги бехаббатлиқнинг, қалбларини эзбётган аламлар-нинг, дилларни ўртаётган қў-ғисиз ҳодисаларнинг сони кемайиши йўлида ҳар биримиз маъсулйимизни ҳис қилиши-мизнинг ўзи етарликинми? Оиладаги перокандаликнинг олдин олишдаги қурашларим-зи сони билан эмас, фарзанд-ларимизнинг одоб билан кў-проқ шугулланишга фурсат то-пайлик. Аёлларни ишга илсиз боғлаб қўйганимиздаги балки етимхоналарнинг қўлаиб бо-риши.

«Ажрашар эдим-у, болалар бор-да» дегувчилар келажакда бўлмаслигига бугун ҳеч ким қафолат беролмагани қўлимга қалам тутқазди...

А. ХУДОЙҚУЛОВА,

педагог.



«1987 йил 17 апрелдан бери қизим Умидани бола-лар боғчасига жойлашти-риш учун навбатда туриб-ман. Район халқ маорифи бўлимининг ходимлари до-ни «жой йўқ» деб жавоб бе-ришди. Ҳозир навбатимиз 4214 бўлиб, у келгунча қи-зи мектаб ёшига етса ажаб эмас».

Тошкент шаҳар халқ ма-орифи бош бошқармасининг бошлиғи М. Қосимовдан Октябрь район Жемчужная кўчасининг 63-«Б» уйида яшовчи В. Комилдованинг юқоридagi хатига жавоб олинди. В. Комилова ўз ха-тида қизини 71-болалар бо-ғчасига жойлаштиришни ил-тимос қилган эди. Мазкур бо-ғчага бу йил 52 та йўл-ланма берилди. Боғча 280 ўринли бўлиб навбатда 530 бола турибди. Шуларни ҳи-собга олиб В. Комилдованинг фарзандини 138-болалар боғчасига жойлаштириш им-конияти борлиғи айтилди. У 1990 йилда Кўча массиви-да очиладиган янги боғча биттунча сабр қилишни бил-дириб шаҳар халқ маорифи бош бошқармасига тушунти-риш хати ёзиб берди.

«Ўтган йили отамиз вафот этди. Унинг ўз номини рас-мийлаштириш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилган эдим, улар сарсон қи-лмаяпти».

Киров район Совети ик-рония комитетида Янгитарнов кўчаси, 35-уйда яшовчи М. Қўрбонованинг аризаси кў-риб чиқилди. Хатда кўрса-тилган уй-жой келгусида қай-та қуриладиган зонада бўл-ганлиги учун уни шаҳар Со-вети икрония комитетининг 1988 йил 5 апрелдаги 202—8 сонли қарори бўйича рас-мийлаштириш тақрирлаб қў-йилган. Шунга биноан М. Қўрбонованинг илтимосини қондириш имконияти йўқ.

«Халқлар дўстлиги кўча-сидати 4-уйнинг 10 кварти-расида яшаймиз. Ўтган йил-кети билан то шу кунгача иссиқ сув квартиранизда жўмрақлардан тожчилаб ту-ради. Бу ҳақда бир неча бор уй-жой эксплуатациясига хо-димларига мурожаат қилдим, «тузатиб берамиз» деб ваъда бершдан нарига ўтишмаяп-ти».

СССР расмлар Союз-нинг аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ расмоя, СССР Давлат мунофоти лау-реати М. Усмоновнинг хатига Октябрь район Совети икрония комитети-нинг раиси Х. Усмоновдан жавоб олинди. Унда М. Ус-моновнинг уйидаги иссиқ сув йўллари ремонт қилиб берилганлиги хабар қилина-ди. Унга кириладиган ва уй атрофидида жойларни ёри-

тиш ишлари эса келгуси йил-нинг биринчи квартал пла-нига киритилди.

«Елгон гувоҳлик бермага-ним учун бригадиримиз Жў-ра Шокиров ўзига ишлов бериш пайтида мени ҳақо-ратлаб, тан жароҳати етказ-ди. Бу ҳақда район ички иш-лар бўлимига мурожаат қил-ган эдим, негадир оқибатсиз қолаяпти».

Бўқа районидаги Ҳамза-номли колхоз аъзоси Зул-фия Эрматованинг шикоят аризаси бўйича текшириш ўтказилганлиги ҳақида рай-он прокурори Н. Эргашевдан жавоб олинди. Унда район ички ишлар бўлими, район халқ суди томонидан йил-ган материаллар ўз вақтида колхоз ўртоқлик судига ю-борилганлиги айтилди. Неге-дир колхоз раиси О. Эрга-шевнинг эътиборсизлиги оқибатида бу иш ўртоқлик судига кўрилмаган. Район прокуратураси колхоз ра-исини бу қилмиши учун жи-ддий оғохландирди. Колхозда ўтказилган текшириш нати-жалари муҳокама қилиниб ў-ртоқлик судига кўриб чиқил-ди. Ж. Шокиров ўз айтибга илдор бўлиб 3. Эрматован-дан ва унинг оила аъзолар-идан кечирим сўради. Шу кунларда Зулфия ва унинг дугоналари колхоз даласида ўз ишларини давом эттири-шаяпти.

Р. Мусавваҳмедов номли совхоз-завод территорияси-даги 8 та уйни газлаштириш «Ўзбекгаз» трестининг Тош-кент қурилиш монтаж бош-қармасига тошхирланган эди. Ҳамма ишлар ниҳоясига ет-ган бўлишига қарамай квар-тираларга газни улашга кел-ганда қурувчилар пайсалга солишаяпти.

А. ВАҲОБОВ,
совхоз ишчилари номин-дан.

Тошкент қурилиш-мон-таж бошқармасининг про-раби С. Ягъев ўз вазифа-га ўтакетган совуққонлик билан қараб, квартираларни газлаштириш муддатини шартномага қўрсатилгани-дан ўтказиб юборган. Йўл қўйган камчиликни учун у ва-зифасидан бўшатилди.

Квартираларни газлашти-риш ишлари тугалланди. Газдан фойдаланиш ишлари-ни бошлаш мумкинлиги ҳа-қида акт тузилди. Орқони-қидега район газлаштириш идорасига тошхирланган. Тех-ника назорати комиссияси-нинг антида кўрсатилган ба-зиси нуқсонлар тугатилиб совхоз ишчиларига табиий газ бериш бошланди, — де-йилади. — Тошкент қурилиш-монтаж бошқармасининг бош-лиғи К. Ҳамидовнинг ре-дакцияга юборган жавобида.

ИШЧИ НАЗОРАТИ — АМАЛА!

СОЦИАЛ АДОЛАТ ПРИНЦИПИ АСОСИДА

ОЛМАЛИҚ шаҳрида янги жамоат ташкилоти — илчи назорати шаҳар инспекция-си ишлай бошлади. Инспек-ция ходимлари озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа то-

варлар тақсимланишида со-циал адолат принципини а-ришиний риоя этилишини ўз-ларининг асосий вазифалари деб ҳисоблайдилар. Улар савдо соҳасида турли тар-тибсизликларни аниқлаш юзасидан собитқадам иш олиб бориш ниятидалар.

Инспекцияга доимий иш-лайдиган ўрта комиссия ки-ририлган. Уларнинг ҳар бири йирик саноат корхонасига бириктириб қўйилган, партия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари биргаликда ишла-б чиққан график асосида иш олиб боради. Табиийки, аҳо-

лидан тушган сигналлар асосида пландан таъқир текширишлар ҳам ўтказила-ди.

Ташкил қилинган комис-сия яна бир усти ялтироқ, ичи қалтироқ, қуруқ савла-тининг ўзи бўлиб қолмаскан, илгари кўп мартабала бўла-нидек, юлдузин бенарвон урадиган савдо ходимлари унинг бурнидан ип ўтказиб етаклашмаккан?

— Асло ундай бўлмайд-и, — деб ҳисоблайди комиссия раиси Л. Журбенко. — Биз-нинг бутун ишимиз кеит қи-коралик принциплари асо-си-

да олиб борилади. Бизда қайси база қанча мол олган-лиги тўғрисида маълумотлар бор ва биз уларнинг қандай тақсимланаётганлигини на-зорат қилиб бораёмиз. Биз-нинг асосий мақсадимиз — Олмалиқ саноат корхоналари ва ташиқлотларидаги назо-ратчиларнинг ҳаракатлари-ни мувофиқлаштириб туриш-дир. Бу навбатдаги тадбир эмас, балки узоқ муддатга мулкжалланган ишдир. Зотан, токи таъқиллик бор экан, ҳамеяни қашпайтиришга уринадиганлар ҳам топила-веради.

Инспекция ходимлари ша-ҳар савдо ва умумий оват-ланиш корхоналарини ўз на-зоратлари остига олиш бил-дан чекланиб қолмадилар. Улар Олмалиқ кон-металлур-гия комбинати ишчилар таъ-миноти бўлимининг, область матлубот кооперацияси бу-линмаларининг фаолиятини текширишмоқдалар. Халқ назо-ратчилари шаҳар аҳолисини аниқлашган тартибсизликлар тўғрисида ҳар ойда «Алма-лиқский рабочий» газетаси саҳифалари орқали хабардор қилиб бориш ниятидалар.
(ЎзТАГ мухбири).



РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахти Тошкент ўзининг ноёб кўркам-лиги, ҳушманзара сўлим боғ-лари, табиий-иклимий шароити-нинг мўътадиллиги, Чирчиқ дарёси қинида жойлашиб ўзига хос сув тармоқлари билан таъминлангани билан аж-ралиб туради.

У ҳозир 255,5 квадрат кило-метр майдонни эгаллаб туриб-ди, аҳолиси сони эса 2073 минг кишини ташкил этмоқда. Шаҳ-римизда 320 дан ортиқ саноат корхонаси, муассаса ва таш-

Атмосферага 296 минг тонна углерод ишқори, 56 минг тон-на азот ишқори, 16 минг тон-на каттик ҳолатдаги, инсон са-ломатлиги учун ўта зарарли бўлган 47,0 тонна аммиак (УзССР мебель саноати корхо-налари 8 тонна, ингил саноат министрилиги корхоналари 12 тонна, УзССР агросаноат дав-лат комитети корхоналари 27 тонна) ва 8,0 формальдегид (УзССР мебель саноати корхо-налари) каби зарарли модда-лар тарқалди.

ҚАЧОНГАЧА БУЛҒАТАСИЗ?

килотлар жойлашган бўлиб, улар Тошкентнинг табиий-эко-логик шароитини белгиламоқ-да ва уларнинг таъсир дара-жаси йилдан-йилга ўзгариб турибди. Шаҳримизнинг ҳо-зирги экологик шароити асо-сан бу ерда жойлашган 112 та корхона фаолиятига боғлиқ-дир.

1988 йил якули шуни кўрсатдики, шаҳарда зарарли моддаларни ҳавога пуркайдиган 13157 манба мавжуд бў-либ, уларнинг 4480 таси тоза-лагич қурилмалар билан жи-ҳозланган, 20 та министри-нинг корхоналари эса очик сув ҳавзаларини ифлослантир-моқда.

Утган йил мобайнида авто-транспорт воситалари ва кор-хоналар атмосферага 423,3 минг тонна зарарли модда чи-қарди ва очик сув ҳавзаларига 5020 минг куб метр ифлослан-ган оқава сувларни ташлади.

Очик сув ҳавзаларига куйи-лаётган оқавалар таркибида 5445 килограмм азот, 22 кило-грамм аммонийли азот, 13,3 тонна органик моддалар таш-ланди. Бу борада «Водоканал» трести корхоналари, СССР ўр-мон саноати министрилиги кор-хоналари «ташаббус» кўрсат-моқдалар.

Зарарли моддаларни атмо-сферага пуркашнинг асосий қисми Узбекистон энергетика ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари (56,8 процент) «Главташкентстрой» корхона-лари (13,1 процент) ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кор-хоналари (8,4 процент) зим-масига тўғри келди.

Юқорида келтирилган ми-соллардан шахримиз корхона-ларида атмосфера ва очик сув ҳавзалари булғанишининг ол-дини олиш учун ҳеч қандай тадбир-чора қўрилмаётган экан, деган хулоса чиқариш ҳам тўғри бўлмас. Чунки ат-

роф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида анчагина ишлар ба-жарилди ва бажарилмоқда. Шаҳар корхоналаридаги тоза-лаш ускуналари ёрдамида 84,5 минг тонна зарарли мод-далар тутиб олинди ва 990 минг куб метр ифлосланган сув тўла тозаланиб, обиҳёт ҳавзаларига ташланди. 1988 йили атмосферага 1987 йилга нисбатан 21,74 минг тонна за-рарли моддалар кам чиқа-рилди.

Лекин халқ хўжалигининг айрим тармоқларида ҳаво ва сувни ифлослантириш дара-жаси ортиб кетди. Масалан, СССР қишлоқ хўжалиги маши-насозлиги министрилиги кор-хоналарида 610 тонна, СССР темир йўл министрилигида 168 тонна, СССР Ингил ва озиқ-овқат машинасозлиги корхона-ларида 888 тонна кўп зарарли моддалар атмосферага пур-калди.

Шаҳардаги автотранспорт воситалари орқали пуркалган зарарли моддалар миқдори 1988 йилда олдинги йилдагига нисбатан анча ортди. Унинг қўйишчи 43,51 минг тоннани ташкил этди.

Бундан ташқари атроф-му-ҳитни муҳофаза қилиш тад-бирларининг маъсулиятсизлиги билан бажарилиши ва тозалаш ускуналарининг самарасиз иш-лаши оқибатлари ҳам шаҳар экологиясига ўз салбий таъси-рини кўрсатмоқда. Шундай маъсулиятсизлик 1988 йилда «Средазкабель» ишлаб чиқа-риш бирлашмасида, Тошкент қозғош комбинатида, «Главташ-кентстрой»нинг 3-ўйсозлик за-водида ва бошқа корхоналар-да бу иш талаб даражасида бўлмапти.

Ушбу мақолада Тошкентда-ги ноқулай экологик аҳволнинг айрим сабабларини тилга олдик. Унинг бошқа салбий оқибатлари ҳам бор. Ҳаммаси ҳақида тўхталиб ўтиш ҳам шарт эмас. Лекин ягона хуло-са шуки, пойтахтимизнинг та-биатини, аynиқса атмосфера ва сув ҳавзаларининг мусаф-фо бўлишига эришиш жуда долзарб вазифадир.

Ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир киши бу муҳим иш-дан четда қолмаслиги керак. Шу мақсадда белгиланган тад-бирларнинг тўла ва вақтида амалга оширилишини таъмин-лаш лозим. Атроф муҳитнинг мусаффо бўлишига ёрдам бе-радиган бarcha имкониятлар-дан оқилона фойдаланиш дар-кор.

Б. АЛИХОНОВ,
Х. ЛУТФУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон табиати муҳо-фаза қилиш Давлат комитетининг бош мутахассис-лари.

«ЭКОЛОГИЯ-89» АНИҚЛАДИ

ОБЛАСТМИМИЗДА оғир экологик вазият юзата кел-ганлиги ҳеч кimgа сир бўлмай қолди. Шунга қарамай ат-мосфера ва сув ҳавзаларимизни турли химиявий элемент-лар билан зарарланишининг олдини олиш учун эса етар-ли иш қилинмапти.

Бу йил табиатни муҳофаза қилиш области комитети то-монидан уюштирилган «Экология-89» экспедицияси ша-ҳар ва районларда қўллаб текширишлар ўтказди. 55 та саноат ва транспорт корхоналарида экологик нормативлар бузилаётганлиги аниқланди. 74 нафар масъул шахсга 5325 сўм миқдорида жарима солинди. 11 нафар масъул ходим эса мукофотдан махрум этилди.

Айрим корхоналарга нисбатан эса қатъий чоралар қў-рилмоқда. Жумладан, Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заво-дига фойдаланишда бўлган сувнинг таркибида нефть маҳ-сулотлари нормадан ортиқ бўлганлиги учун 316 минг сўм жарима солинди. Бу ерда ифлосланган сувни қайта ишлаш низоини берадиган механик тозалаш ишпоатлари қурилмапти.

Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи тар-кибидаги нефть маҳсулотлари йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадагидан 28-32 баробар ошиб бўлган чқинди сувларни Чирчиқ дарёсига оқизиб юбормоқда. Мазкур корхонада тозалаш ишпоати 1985 йилдаёқ фойдаланиши тоширилиши керак эди. Муддат ҳалигача орта суриб келинмоқда. Корхонага 1 минг 474 сўм жарима солинди. Янгийўлдаги умумий оқватланш трести чўчқачилик комплексининг оқава сувлари ҳам тозаланишдан Қора-қулдуқ каналига оқизиб юборилмоқда. Комплексни ёпиш тўғрисидаги қарор эса бажарилмапти. Трестга 3 минг 244 сўм жарима солинди.

Ўзбекистон ССР Агросаноат комитетининг «Сергели» совхозига ҳам тозалаш ишпоатлари ёмон ишламоқда. Турли чқиндилар билан ифлосланган сув тўғридан-тўғ-ри аҳоли фойдаланадиган сув ҳавзаларига оқизиб юборил-моқда. Совхозга 4 минг 360 сўм жарима солинди.

Чиноз районига эса Партия XXIV съезди сов-хоз сут-товар комплексида сувдан ишлаб чиқаришда фой-даланиш учун рухсат олинмаган. Ифлосланган сув ирри-гация тарновлари орқали дренаж коллекторларига оқизиб юборилмоқда. Совхозга 4 минг 632 сўм жарима солинди.

С. ДАДАЖОНОВ,

Область табиатни муҳофаза қилиш комитети ходими.

«ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА
КИРГАНЛАР

Фойдали

Қ У Ш

Уни халқ ўртасида бой-куш, бойўғли деб аташади. Ҳатто ёмон отлиқ қилишади. Унинг қоронгу тушгандан кейин тун бўйи учиб, ўзига тамаддиқ излаши шундай номининг келиб чиқишига са-баб бўлгандир. Аслида эса паррандаларнинг бу турку-ми кўпроқ фойда келтиради. Улар аynиқса турли майда кемирувчилар — каламуш, сичқонларга қирон келтира-ди. Шу туфайли ҳам бой-кушларни авайлаш керак. Улар шундоқ ҳам жуда но-ёб бўлиб қолган. «Қизил ки-тоб»га киритилиши бежиз эмас. Ушбу суратда бойқуш-ни ов вақтида қўриб туриб-сиз.

ТАСС телесурати.

УВОЛ

ЭМАСМИ?

МАЪЛУМКИ Сўқоқ қишлоғи областимизнинг энг ҳушман-зара жойларидан бири. Бу ерда бўлган кишини гўзал маскан-нинг соф ҳавоси, шарқираб оқаётган сув, ям-яшил дарах-ларга бурканган хиброн-лари мафтун қилади. Ёз кун-ларида у ерда бўлиб дам ол-ди, атрофини айланиб юриб айрим ҳаёт дақиқалари ва гў-зал тоғ манзараларини тас-вирга ҳам туширди. Лекин минг афсуски ҳуш кейфиятимиз узоққа чўзилмади. Дам олиш унингнинг идорасидан бироз юргач ахлат уюмлари, қозғош парчалари, шима синиқлари ва шунга ўхшаш нарсаларни қўриб табиимиз хира бўлди.

Аynиқса, бу ерда теркиб толган одат кишини беихтиёр ўйлантириб қўйди. Маълумки, Сўқоқ қишлоғи шу жумладан дам олиш уйи территорияси-дан оқувчи сув қишлоқнинг кун чиқар томонидан, тошлар орасидан оқиб тушади. Қиш-лоқ аҳолиси сув чиқадиغان жойини Чашма деб аташади. Бу ерда табиат шундай ақо-ийб мўъжиза яратганини, кў-риб қувонсан. Чашманинг зи-лол сувидан эса ичган сари ичгинг келади. Ана шундай сўв қишлоқнинг аҳоли яттай-диган территориясидан ўтгун-ча мағзава ва бошқа чқиндил-лар билан булғанади. Қишлоқ аёллари унинг бўйида кир ювиб, қичинди сувни тўғридан-тўғри оқар сувга ташлашаркан. Худди шундай манзарани дам олиш уйи территориясида ҳам учратиш мумкин. Сув бўйида ҳатто махсус кир ювиш жой-лари ҳам бор. Бу ерда ҳар кун и аёллар ва болалар кир ювиб сувни булғатишади. Қиш-лоқ аҳолиси ва дам олувчилар билан шу мавзуда суҳбатлаш-дик. Сувни водопроводдан ичамиз, дейишди улар. Сув бўйида кир ювиш эса одат бўлиб қолган, дейишди. Дар-воқе дам олиш уйи шунингдек, қишлоқ хонадонларига боради-ган ичимлик суви ҳам ўша чашмадан олинаркан экан. Утиш-да халқимиз сувни ҳамма нар-седан покиза сақлаган. Бу одатни эса шунчалик илдиз отишга нима сабаб бўлди-кин? Табиатнинг бу бебаҳо инъоми увол эмасми?

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ФАҚАТ РОК ЭМАС

★ АМСТЕРДАМ медицина маркази томонидан ўқинди ўт-казилган тадқиқот шуни кўрс-атдики, янги туғилган бола-ларда кўп учрайдиган нафас олиш муаммоларини... музика ёрдамида муваффақиятли ҳал қилиш мумкин экан. Марказ-да гўдак юрагининг нормал уришини она юрак уришини пленкага ёзиб олиш ёрдами-да тиклаш бўйича тадқиқот-лар аввалдан олиб бориларди. Олимлар навбатдаги ёзув ўр-нинга пленкадаги майини эшити-ладиган оҳангини қўйганлари-да гўдакнинг нафас олиши тез-да бир маромига тушганлигини пайқадилар. Шундай оҳанг ўп-кага кислороднинг ётарли миқ-дорда қилишига кўмаклашади. Голландиялик олимлар таж-рибани давом эттиришаркан. Ҳозирнинг ўзидаёқ замонавий «ёввойи» музика гўдакларини фақат қўрқитишни аниқлади-лар.

ГУЛГА ХУШ ЕҚАДИ

★ АНГЛИЯ тахтининг вор-ниси шахзода Чарльз шу қадар ашаддий гулқини, у гулхона-да ишлаётганда ўсимликлар билан гаплашади, деб тасдиқ-лайдилар. Агар ГФРда ўтказил-ган тадқиқотга мувофиқ шу-дай одат сўров қилинган боғ-бонларнинг салкам қирқ про-центига хос эканлиги аниқлан-ганлиги ҳисобга олинса, шах-зоданинг бу одати унчалик

хайратомуз эмаслигини кўрсат-тади.

ДОРИЛАРНИНГ ТИРИК

ФАБРИКАСИ

★ РИМЛИК профессор Вит-торжо Эрспомернинг тасдиқ-лашча, оддий қурбақа дори-вор моддаларининг ҳақиқий фабрикаси ҳисобланади. Жум-ладан, унинг териси церуленн ақрагади, бу модда ўт пуфа-ги сангинини тўхтатишда му-ваффақият билан қўлланилади. Қурбақадан олинадиган яна бир бошқа дори дерморфин-дир. У гипертониклини даво-лашда қўлланилади, чунки бун-дай касалликка кучли таъсир қилади.

ТАБИАТ ҲАЗИЛИ



Тўғри оёқдан жузга.



Отарда қўйларни санаш.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ сурат-га туширган.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба

25 СЕНТЯБРЬ

✦ УЗТВ

11.30 Физика. 12.00 Фильм-концерт. 12.30 Математика. 13.00 Оқшом тушишга бор хали. Бадий фильм. 17.00 Телефильмлар. 17.40 Санъат гунаҳари. 18.00 Футбол. «Пахтакор» — «Спартак» «Оржоникидзе». 19.50 Телефильм. 20.00 «Ахборот». 20.15 «Тилга эътибор...». 20.55 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Икки кишилик вокзал. Бадий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Ешлик». 20.00 Хужжатли фильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ
21.30 «Время». 22.05 Ёзувчи ва ҳаёт.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Бевосита алоқа. Бадий фильм. 10.25 Футбол шарҳи. 10.55 Хужжатли фильм премьераси. 11.40 Фильм-балет. 12.10 Мадонна учун уй. 12.55 Чашмалар. 16.05 Фильм-концерт. 16.35 Телевизион хужжатли фильм. 17.05 Онам, дадам ва мен. 17.35 Мультфильм. 17.46 Телевизион очерк. 15.15 Болалар соати. 19.15 Халқ куйлари. 19.25 Мультфильм. 19.35 Футбол шарҳи. 20.05 Социалистик мамлакатлар бал рақслари ижрочилари XIII халқаро конкурси қатнашчиларининг кўргазмалари чиқишлари. 21.30 «Время». 22.05 Социалистик мамлакатлар бал рақслари ижрочилари XIII халқаро конкурси қатнашчиларининг кўргазмалари чиқишлари (давоми). 23.45 Дунё воқеалари. 23.55 Сирпика ва оркестр учун 1-концерт.

✦ МТ II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Тарих. 10.05 Италия тили. 11.35 12.40 Астрономия. 12.05 Бу дунёни ҳаёқонлангирмоқда. 13.10 Хужжатли фильм. 18.25 Янгилликлар. 18.35 Бокс. 19.20 Қалмиқ АССР давлат телерадиоси. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. 21.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар.

Сешанба

26 СЕНТЯБРЬ

✦ УЗТВ

17.00 Болалар учун фильмлар. 17.35 Телефильм. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Мактаб ва ўқувчи. 19.15 Давр тақозоси билан. 19.45 Комсомол прожектори. 20.00 «Ахборот». 20.20 Қардош халқлар иттифоқи. 20.50 Навоийхонлик. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Долзарб дамлар қадр. 22.40 Икки кишилик вокзал. Бадий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Георгий Седов. Бадий фильм. 20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ
21.30 «Время». 22.05 Ёшлар ва қайта қуриш. 23.05 Кузги марафон. Бадий фильм.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Кодлар оҳанги. 9.35 Қувноқ

стартлар. 10.15 Мультфильм. 10.25 Пани Майя. Бадий фильм. 11.50 Болалар соати. 16.05 Фильм-концерт. 16.55 Хужжатли фильмлар. 17.35 «Импульс». 18.20 Экология чегара билмайди. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Катталар учун мультфильмлар. 20.30 Адабий-бадий видеоанал. 1-қисм. 21.30 «Время». 22.05 Оператив маълумотларга кўра. 22.15 Адабий-бадий видеоанал. 2-қисм. 23.30 Дунё воқеалари. 23.45 Адабий-бадий видеоанал. 3-қисм.

✦ МТ II

9.00 Гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Ойлавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05 Француз тили. 11.05 Француз тили. 11.35, 12.40 Тарих. 12.05 Янгилликлар. 13.10 Хужжатли фильм. 13.30 Хайрли тавakkал. Бадий фильм. 18.20 Янгилликлар. 18.30 Концерт. 19.15 Бокс. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. 21.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар.

Чоршанба

27 СЕНТЯБРЬ

✦ УЗТВ

11.30 Биология. 12.00 Телефильм. 12.30 Химия. 13.00 Хужжатли фильм. 17.00 Телефильм. 17.20 Бошқариш муаммолари — 89. 18.00 Янгилликлар. 18.15 «Гулхон» журнали саҳифаларида. 18.50 Жаҳон туризм кунига. 19.20 Ёзувчи ва замон. 20.00 «Ахборот». 20.15 Дала нозматлари — эл достурхонига. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 «Ахборот». 22.20 Реклама. 22.25 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Болалар учун фильм. 20.35 Чоррақа. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Реклама. 21.20 Телефильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.00 Ёшлар ва қайта қуриш. 23.00 Фильм-концерт.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 9.50 Мультфильмлар. 10.25 Камалак 11.00 Саҳнатчилар клуби. 12.00 Х. Ишболдин куйлайди. 12.20 Баҳо. Телевизион бадий фильм. 14.10 Хужжатли фильм. 14.30 Умидимиз баҳори. 15.20 Пулат қандай тобланда. 16.05 Музикали хазина. 16.45 Телевизион хужжатли фильм. 17.15 Концерт. 18.00 Жаҳон туризм кунига. 18.15 Болалар соати. 19.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 «Кўк концерт». Солдатлар куйлаганда программасига келган хатлар асосида. 21.30 «Время». 22.00 Актуал интервью. 22.10 Футбол. Европа кубоклари. 24.00 Дунё воқеалари.

✦ МТ II

9.00 Гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 Немис тили. 11.05 Немис тили. 11.35, 12.40 Тарас Бульба. 12.05 ва 18.00 Янгилликлар. 18.10 Бокс. Жаҳон чемпионати. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. 21.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар.

Пайшанба

28 СЕНТЯБРЬ

✦ УЗТВ

11.30 Табиатшунослик. 12.00 Телефильм. 12.30 Жамиятшунослик. 13.00 Георгий Седов. Бадий фильм. 17.00 «Колокольчик». 17.30 Музикали сайр. 18.00 Футбол. «Пахтакор» — «Нефчи» (Боку). 19.50 Телефильм. 20.00 «Ахборот». 20.15 Демократияни ўрганамиз. 20.50 Деҳқоним менинг. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Долзарб дамлар қадр. 22.45 Ретро. 41-йил олмалари. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Концерт. 20.10 Реклама. 20.20 Биринчи комсомол қиз. Бадий фильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.00 Омадлик қиз. Бадий фильм.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Хужжатли фильм. 9.20 Концерт. 9.45 Мультфильмлар. 10.20 Футбол. Европа кубоклари. 13.25 Спорт программаси. 15.25 Севимли шеърлар сатрлари. 16.00 Концерт. 16.25 Хужжатли фильм. 17.15 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади. 18.05 Мультфильмлар. 18.40 Ҳокимият — Советларга. 19.10 Дунё воқеалари. 19.25 Футбол. Европа кубоклари. 21.30 «Время». 22.00 Қаҳрамон учун кўзгу. Бадий фильм. 1-2-сериялар.

✦ МТ II

9.00 Гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.45 Табиатшунослик. 9.55 Испан тили. 10.25 Денгиз инжениери Борис Малинин. 11.05 Испан тили. 11.35, 12.40 Физика. 12.05 Янгилликлар. 13.10 Фильм-концерт. 18.05 Янгилликлар. 18.15 Бокс. Жаҳон чемпионати. 19.30 Волейбол. Европа чемпионати. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. 21.00 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар.

Жума

29 СЕНТЯБРЬ

✦ УЗТВ

17.00 Инсон ва табиат. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Ёзувчилар — болаларга. 18.45 Хужжатли фильм. 19.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 20.00 «Ахборот». 20.15 Хат ва ҳаёт. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Реклама. 22.30 Эртага — премьераси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.20 Телефильм. 20.45 «Ёшлик» студияси почта-сида.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.05 «02» ҳабар қилади: ахборот, хроника. 22.15 Улмидан кейин мукофотлансин. Бадий фильм.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Инсон институти». 10.05 Мультфильм. 10.25 Қаҳрамон учун кўзгу. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.40 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 13.25 Солдатлар куйлаганда. 16.05 Хужжатли фильм. 16.55 Болаларга ҳайвон

лар ҳақида. 17.25 Концерт. 18.05 Болалар учун фильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 ВЦСПС Пленуми нималарни ҳал қилди. 20.00 Кинопанорама. 21.30 «Время». 22.05 Актуал интервью. 22.15 Ниго. 23.45 Бу булган... бўлганди...

✦ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 10.35 Тарих. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Инглиз тили. 11.35, 12.40 Адабиёт. 12.05 Янгилликлар. 13.10 Ритмик гимнастика. 18.00 Янгилликлар. 18.10 Бокс. Жаҳон чемпионати. 19.30 Монолоддан мулоқотга. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида. Танафусда — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

Шанба

30 СЕНТЯБРЬ

✦ УЗТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Шанба экрани. 10.30 Адабий ўқиш. Утган кунлар. 11.20 Объявляем — қайта қуриш. 11.55 Кўйриқочлар — менинг дўстларим. 13.10 Енгиндан сакланмиг! 13.40 Лавверлик овчи. Бадий фильм. 14.55 Касаба союзлари ҳаёти. Бевосита мулоқот. 18.00 Ёшларлар учун. 18.45 Келинг, бир қулишайлик. 20.00 «Ахборот». 20.20 Долзарб мавзу. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ишбилармон кишилар. 21.20 Кинолаҳза. 21.30 «Время». 22.05 Дўстлик экран. 23.05 Пахтакорлар учун кечки музикали программа.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ
9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 Саъду калом. Адабий-музикали кўрсатув. 10.05 Кинокомедия.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

17.35 Мультфильм. 17.45 Реклама. 17.55 Саргузашт фильмлар. 19.10 Айил ажари. 19.40 Корогоҳ. Сатирки киножурнал. 20.00 Мегаил. 20.30 Жўсуп Мамай бизде мейманда. 21.30 «Время». 22.05 Дўстлик экран. 23.05 Иссиқкўл-89. Фестиваль меҳмонлари Н. Ескалиева, А. Маликин ва «Ялла» ансамбли куйлайди.

✦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Уй академияси. 9.30 Хужжатли фильм. 9.50 Йил фасллари. 10.50 Хужжатли фильм. 11.10 Муқаддас Тойук. 11.30 Социализм мамлакатларида. 12.00 Мўъжизасиз мўъжизалар. 13.00 Дунё воқеалари. 13.15 Объектив. 13.45 Концерт. 14.00 Шанба — ота-оналар кун. 15.30 А. П. Чехов. «Бенифис бүгун ва эртага». Спектакль. 17.15 Хужжатли фильм. 17.45 Режиссёр В. Жалакявичюс фильмлари. 19.30 Планета. Халқаро программа. 20.30 Киноафиша. 21.30 «Время». 22.15 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.45 Халқаро тўғри келмади. Бадий фильм. 00.05 Оммабоп куйлар янгилликлар.

✦ МТ II

8.45 Қишлоқ янгилликлар. 9.45 Кичик концерт. 10.00 Ҳарбий дала кассеси. Бадий фильм. 11.30 Янгилликлар. 11.40 Н. Ф. И. жумбоги. Бадий фильм. 12.40 Хужжатли фильм. 13.15 Спорт ҳамма учун. 13.30 Тарасинг йўллари. 14.30 Замин ўғлони. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 16.45 Денгизга йўл. 17.20

Янгилликлар. 17.30 Мультфильм. 17.50 Концерт. 18.45 Бокс. Жаҳон чемпионати. 17.30 Концерт. 18.45 Бокс. Жаҳон чемпионати. 19.35 Москва—Копенгаген телекўприги. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 «Время». 22.05 Телевизион музикали абонемент. 23.25 Янгилликлар. 23.30 Е. Габрилович — экран ёзувчиси.

Якшанба

1 ОКТЯБРЬ

✦ УЗТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Ойла даврасида. 10.40 Бу сирли олам. Коинотда ёлғизликми? 11.10 Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан янроқ воқеа. Бадий фильм. 12.50 Мактаб ислоҳоти — ҳаётга! 13.20 Халқ ислоҳоти. 14.20 Замандас. 15.20 Ҳамшаҳарлар. 16.20 Бош вази. Телеочерк. 16.35 Реклама. 18.05 Санъат оламида. 18.40 Саҳна санъати усталари. 19.30 Халқаро ҳаёт. 20.00 «Ахборот». 20.20 Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг матбуот марказида 20.30 Якшанба оқшомида. 21.30 «Время». 22.00 «Ахборот». 22.20 Бўстон. Тележурнал.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

✦ МТ I

9.00 Сапеда. Информационно-музикали программа. 10.05 Ҳар бир кишига ва барчага. 10.15 Концерт. 11.00 Узоқ урушдаги қисқа учрашувлар. Бадий фильм. 17.30 Тақиқланган зона. Бадий фильм. 19.00 «Новости». 19.15 Музикали ҳаёт янгилликлар. 20.00 Жаҳон бир ҳафта ичида. 20.15 Телетомошабин ҳамроҳи. 20.30 Таронаҳои Шарк. 21.30 «Время». 22.00 «Гушани адаб».

✦ МТ II

8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото». 9.30 Эрта сахарлаб. 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Париларнинг кузги совғаси. Бадий фильм. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Очқ эшиклар кун. 15.45 Мультфильмлар. 16.00 Хитой миллий байрами—Мустанқиллик эълон қилинган кунга. 17.00 «Камалак». 17.30 Қишлоқ янгилликлар. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 19.30 Бокс. Жаҳон чемпионати. 21.30 «Время». 22.00 Эфирда музика. 24.00 П. Гоген. Утмишдан бир назар.

✦ МТ II

8.30 Зарядкага сафланмиг! 8.50 Сўнгги учрашу. Бадий фильм. 10.15 Халқ оҳанглари. 10.30 Хужжатли фильм. 11.20 Шарқий Сибирь. Киножурнал. 11.25 Акс садо: ҳафтанинг воқеалари. 11.40 Концерт. 14.30 Замин ўғлони. Бадий фильм. 3 ва 4-сериялар. 16.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.20 СССР ИИМ хабар қилади. 17.30 Баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 18.30 Мультфильм. 20.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Агр сиз...». 21.30 «Время». 22.00 Қанотлар кенг ёйилганда. Бадий фильм. 23.30 Янгилликлар 23.35 Волейбол. Европа чемпионати.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

ПХЕНЬЯН—ТОШКЕНТ

Тошкентда ташкил этилан Совет корейлари маданият маркази иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йў. Лекин, у бир қатор амалий-ташқилий ишларни бажаришга муваффақ бўлди. Яқинда шу ташкилот таклифига биноан Пхеньян шаҳрининг ашула ва рақс ансамбли ижрочилари пойтахтимизга ташриф буюрдилар.

Ўзбекистонлик санъаткорларнинг меҳмонлар билан умумий тил топишлари осон кўчди. Улар биргаликда ўтказишгаётган машғулотларда ўз миллий рақсларини меҳмонларга, ўз навабатида корейликлар мезбонларга ўргатишмоқда.

В. И. Ленин номи СССР халқлари дўстлиги саройида икки халқ ҳамкорлигида саҳналаштирилган концерт программаси, аynиқса, Ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедова корейлик меҳмон Хван Ге Ок билан бирга ижро этган корейча рақс санъат муҳлислари олқишига сазовор бўлди.

Корея Халқ Демократик Республикасининг амалий санъати билан танишмоқни ястаганлар эса Халқлар дўстлиги музейига ташриф буюришлари мумкин. Бу ерда ташкил қилинган кўргазмада КХДР халқининг маданий, маънавий ҳаётини ёритиб берувчи турли мавзудаги китоблар, альбомлар, безакли гуллар ва гулдонлар, жозибдор деворий тасвирлар, ҳамда хилма-хил амалий санъат буюмлари намойиш қилинмоқда.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.



✦ Суратларда: Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Аҳмедова корейлик меҳмонлардан эсадалик совғасини қабул қилмоқда; Халқлар дўстли-

ги музейидаги кўргазма эъланди. А. РИСКИБЕВ (ЎСТАГ) ва Р. ШАРИПОВ суратга олган.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қориев номидаги ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИДА
3, 4 октябрь соат 19.00 да
М. ҚОРИЕВНОМ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ СОЛИСТИ

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ
КОНЦЕРТИ

Программа — артист Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда.

ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРГА
ЭКСПЕДИЦИЯ

Республика ёш туристлар станцияси ўз фаолиятини янада жонлантириш мақсадида болалар муассасалари билан ҳамкорликни кучайтирди. Териҳ ва маданият ёдгорликларини сақлаш Ўзбекистон жамияти ҳамда совет маданият фонднинг республика бўлими билан бирга уюштирилган саёҳатлар кўпчилиги эътиборини ўзига торта бошлади. Яқинда ўтказилган экспедиция Буюк ипак йўли маршрутида бўлди. Элликка яқин ёш турист қатнашган бу саёҳат Тошкент — Москва — Псков — Новгород шаҳарлари бўйлаб давом этди.

Ёш туристлар саёҳат чоғида Ўрта Осиё билан қадимий Русь ўртасида Буюк ипак йўли бўйича амалга оширган саёдо алоқалари билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни тўпладилар.

С. ОДИЛОВА.

РЕКЛАМА ҚАНДАЙ
БЎЛМОҒИ КЕРАК?

Пойтахтдаги Киночилар уйида «Рекламанинг социалистик дўстлиги аҳамияти ва уни янада тақомиллаштириш йўллари» мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган бу тадбирда дастанвал «Союз-реклама» Бутуниттifoқ ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида ҳикоя қилиб берилди. Шундан сўнг СССР Министрлар Совети қoшидаги Бутуниттifoқ ташқи иқтисодий алоқалар илмий тадқиқот институтининг микрохўжалик алоқалари бўлими катта илмий ходими, фалсафа фанлари каттадони В. Е. Демидов, КПСС Марказий Комитети қoшидаги Ижтимоий фанлар академиясининг идеология ишлари кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори О. А. Феоданов, Москва олий бадий-сановат билан юрти кафедраси доценти В. М. Волошко ва бошқалар «Бозордаги муваффақият формуласи: маркетинг ва реклама», «Қайта куриш лаврида рекламанинг вазифалари ва функциялари, унинг психологияси, бу соҳа билан боғлиқ ҳар қандай таърибалар (ташқилий ва ижодий муаммолар)», «Кино рекламасини яратиш принциплари», «Нашрлар ва газета-журналлар мисолида реклама асарининг функциялиги ва эстетикаси», «Рекламанинг бадий ифода воситалари» деган мавзуларда маърузалар ўқидилар.

Шунингдек, ана шу семинар доирасида «Қайта қуриш: жамиятин демократиялаш муаммолари, ҳокимият строуктураси, иқтисодий ислохот» мавзусида мунозара клуби ҳам ташкил этилди. Талбир қатнашчилари учун реклама жанрида ишланган видео ва кинофильмлар ҳам намойиш этилди.

Умуман, мазкур семинар қатнашчилари «Реклама қандай бўлмоғи керак?» деган саволга жавоб беришга иштирок этишди. Таъбир иштирокчиларнинг таъкидлашларича, ушбу семинар ўз олдига қўйган мақсадга эришган олди.

У. ХИКМАТОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Ўзбекистана и областного
Совета народных депутатов
Издается на
узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими.

...КЕИНГИ пайтда химия фанлари доктори, умумий ва коммунал гигиена институтини лаборатория мудири М. Дмитриевнинг ташвиши ортди. Чунки шарсимон чакмоқларнинг мамлакатимизга ташриф буюриш ҳолатлари кескин кўпайди. Михаил Тимофеевич бу сирли космос сайёҳи қачон, қерда, қандай шароитларда пайдо бўлганини иложи борича батафсил қайд этиб боришга ҳаракат қилди. Чунки у бизнинг мамлакатимизда, эҳтимол бутун дунёда ҳам шарсимон чакмоқларини оловчи ағза киши.

— МИХАИЛ ТИМОФЕЕВИЧ, сизнингча нима учун кейинги пайтда шарсимон чакмоқларга дуч келинаётганини ҳақиқат табаарлар кўпайпти!

— Мен буни атроф-муҳит ифлосланишининг кучайётгани билан боғлайман. Менинг назаримда шарсимон чакмоқлар атмосферада ҳавога кўш нурли, космик нурлар, электр майдони ва оқидий узун чакмоқларнинг таъсирида юзага келади. Бундай ҳолатда ўзгача рақам химиявий актив зарралар пайдо бўлади. Айрим шароитларда улар ўзаро таъсирланиб жўшган ҳолатга келади. Ҳосил бўлган модала қизий бошлайди. Натижада шарсимон чакмоқ номи билан машҳур бўлган куват ҳосил бўлади. Мамлакатимиз территориясида ҳар кун 650 га яқин чакмоқларлар тушганлиги қайд этилади. Ҳозир уларнинг миқдори ошган.

— Бизга маълум бўлишича шарсимон чакмоқлар билан учрашув энг кўп қилинган ҳолат ва оқибатларга олиб келади. Бу тасодифми ёки унда шунга олиб келадиган бирор-бир ўзига ҳосил борми!

— Ҳақиқатдан ҳам шарсимон чакмоқлар билан бўлган учрашувлар баъзан ҳайратомуз оқибатларга олиб келади. Маана Ставрополь ўлкасида бўлган ҳодиса. Кучли жала қуяётганида футбол тўпидек келадиган олов шар кўча бўйлаб сакраб-сакраб думалаб кетган. Ерга текканда эса у бўйига ярим метр, энга бир ярим метр келадиган чуқурлар қолдирган. Натижада шар кўчани бутун икки квартал давомида галларик қилиб ташлаган. Сўнг қаттиқ шовқин билан ёрилиб кетиб, олов оқим бўлиб осмонга кўтарилиб кетган.

Лекин чакмоқ билан бўлган ҳамма учрашувлар ҳам шундай муваффақиятли тугай.

вермайди. Туристлар, жиддий одамлар сафарга чиқишган. Бир қанча вақт ўтган, уларнинг жасадларини чодир атрофидан топишган. Жасадларнинг ётишган одамларнинг даҳшатли қийноқда ўлганлиги кўриниб турарди. Чодирдан ниҳоятда шошиб, чодирни личок билан ёриб чиқишган. Баъзи тафсилотлар туристларнинг ўлимига шарсимон чакмоқларнинг дахли борлигини кўрсатган. Гап шундаки, шарсимон

насининг нафталин сақлайдиган омборига тушган ва катта зарар келтирган. Олов шар Волгоград областининг Червоное кишлоғидаги уйлардан бири томига ўрнатилган телевизор антеннасига тушганида эса портлаб уй томини тўзатиб юборган. Шарсимон чакмоқларнинг бундай ёмда безориликларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

У билан дуч келганда зарарланган одамлар оғир касалланади. Касалликнинг ташқи белгилари кучли радиактив нурланиш ва марказий нерв системаси нидан чиққандегизга ўхшаб кетади. Лекин арчаларда улар юзага келтирган касалликларга қарши кураш усуллари йўқ.

— Сизнинг ноёб коллекциянгизда шарсимон чакмоқ-

топгандек кўринади. Шарсимон чакмоқларнинг ҳарорати 10-15 минг градусгача чиқади. Унинг кўпинча қандайдир майда тўқилли нурлар бўлади. Учувчилар шарсимон чакмоқларга дуч келганда ана шу нур таъсирида хушдан кетиб қолган кўп ҳоллар маълум. Бир сўз билан айтганда ҳозирча бу ҳолатнинг турган-битгани топишмоқ.

— Сизнинг айнан шарсимон чакмоқларини ўрганишингизга нима сабаб бўлган!

— Мен умид қиламанки, шарсимон чакмоқлар табиатини очиб, инсоният бизни ўраб турган оламни билиш ва ўрганиш учун янги қурулгоқ эга бўлади. Мисол учун шарсимон чакмоқларда улкан куват запаси бор. Агар уни бирон бир амалий эҳтиёж учун ишлатсак нима бўлади! Айтайлик

СИРЛИ «ОСМОН САЙЁҲИ»

чакмоқларнинг баъзи турлари захарли бўлиши, ўзидан захарли моддалар чиқариши ҳам мумкин.

Яна бошқа бир ҳодиса. У ота-бола билан содир бўлган. Улар қишда тоққа чиқишган. Ота бироз вақт тўхтаган жойларини тарк этган. Қайтиб келганда эса ўғли ер қаърига кириб кетгандек ҳеч қерда йўқ эди. Шу билан бир вақтда қорда ҳам ҳеч қандай из қолмаганди. Худди бола ҳеч қердага чиқмагандек. Унинг олдида ҳам ҳеч қим келмаганди. Яна юз берган ҳодиса шу ерда қолган аломатларга қараб аниқланди. Чамаси улкан шарсимон чакмоқ одамга дуч келиб уни ёндириб юборган.

— Бизда шарсимон чакмоқ билан учрашув кўпинча «саргузаштлар» эса юз беради деган тушунича бор-ку!

— Мана кўриб турибсизки, ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Ҳақикатда кнотаниш осмонликлардан бири Макаевски космонавти кор-

лар билан бўлган ўн мингга яқин дуч келишининг тасвири қайд этилган. Чамаси қирқ йилдан бери бу вақимали ҳолатнинг табиатини ўрганиш билан шуғулланасиз. Сизнингча, у нимагадир иборат ўзи!

— Бир фарзанда бизга космосдан келган антимодда ҳақиқатда гап кетади. Бошқасида космик нурларнинг булутлар билан тўқнашининг натижасида дейилади. Академик П. Капицнинг тахминига кўра, шарсимон чакмоқларнинг «ватани» атмосферанинг радиотўқинлардан нурланган жала булутлари тўпланган алоҳида бир қисми. Бутунга келиб, шарсимон чакмоқлар фақат порлаб турадиган қандайдир бир ёруғ ҳосила сифатидагина пайдо бўлмаслиги аниқланган. Кўзга кўринмайдиган ва қора шарсимон чакмоқлар ҳам бор.

Қора чакмоқларни суратга олишга эришилган. У расмда копток қилиб ўралган қандайдир сирли иплардан ташкил

кучли ёруғлик берувчи манба сифатида. Айтмоқчи шарсимон чакмоқлар табиатини ўрганишдан амалий фойда олинган ҳам.

— Охири амалий саволим: шарсимон чакмоқларга дуч келганда киши ўзини қандай тутуши керак!

— Қочиб, югуриш ва умуман бирон бир кескин ҳаракат қилиш мумкин эмас. Нафас олмасдан қўлга бирон бир, фақат металл бўлмаслиги керак, буюм ушлаб уни олд томонга қўйиб туриш керак бўлади. Агар шарсимон чакмоқ барибир унга ёпишса уларни эҳтиёткорлик билан ерга қўйиш керак. Шарсимон чакмоқни ҳеч қачон урга кўрма. Бир сўз билан айтганда ўзингизни «оловдек шўх хоним» билан илтифотли тутинг. Уйлайманки, у сизни ҳафа қилмайди.

А. БАТИГИН,
И. МОСИН.

[«Правдадан қисқартириб таржима қилинди»]